

ЎСИМЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ РАМЗЛАР ТАЛҚИНИ

Шахзода МУХАММАДАЛИЕВА

ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

muhammadalieva2696@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада ўсимлик билан боғлиқ рамзлар таҳлил қилинган. Улар халқ мақоллари ва асарлардан олинган мисоллар орқали ёритилган.

Таянч сўзлар: дарахт, чинор, анор, бодом, бойчечак, лола.

ТОЛКОВАНИЕ СИМВОЛОВ, СВЯЗАННЫХ С РАСТЕНИЯМИ

Шахзода МУХАММАДАЛИЕВА

преподаватель

Ташкентский государственный университет

имени Алишера Навои университет

узбекского языка и литературы

Ташкент, Узбекистан

muhammadalieva2696@gmail.com

Аннотация

В данной статье анализируются символы, связанные с растениями. Они иллюстрированы народными пословицами и примерами из произведений.

Ключевые слова: дерево, клен, гранат, миндаль, подснежник, тюльпан.

“Дарахт” тушунчаси турли халқларнинг тасаввур оламида ҳар хил сўзларнинг ассоциатив қаторини ҳосил қилади. Масалан, дарахт деганда ўзбеклар чинор, қайрағоч, тут, теракни, турклар тол (согут), арча (кам)ни, руслар дуб, қайин, эманни, японлар сакурани, ҳиндлар пальма ёки бамбукни тасаввур қилиши мумкин.

Ислом динида дарахт шохчалари нақши саодат дарахти маъносини англатган. Уйлардаги ўсимликсимон нақш, гул ва лолалар расми бор хонадонга бахт, сихат-саломатлик ҳамда доимий муҳаббат ҳукм суриши орзу-истак сифатида тараннум этилган. Шуни эслатиб ўтиш керакки, олма – муҳаббат, анор, узум – эзгулик, тўқчилик, тўкин-сочинлик рамзи ҳисобланган [3; 52].

“Ҳаёт дарахти” – дунё маданиятида оламнинг асоси (ўзак, ўк, устун), яъни, осмон, замин ва ерости оламларини ўзаро бирлаштириб турувчи восита сифатида тасаввур қилинади. “Ҳаёт дарахти”нинг ўзбек фольклоридаги тимсоли чинордир. Чинор узоқ умр рамзи саналади. Қадимги хитойликлар тут дарахтини “ҳаёт дарахти” сифатида талқин қилганлар.

Чинор узоқ умр, бақувватлик рамзи бўлиб келади. Саиджон акамга бир гап бўлса борми, директорнинг ҳам оёғи осмондан бўлади-да. Лекин директор зўр одам, чинор (Х.Тўхтабоев. Мунгли кўзлар)! Болалининг бели — чинор, Боласизнинг бели синар (Ўзбек халқ мақоли). Шу билан бирга чинор куч, ҳокимият, мустақиллик, бошлиқ бўлишга интилиш рамзи бўлиб ҳам келади. Кимдир ўғлига “сен чинор сояси бўлма, чинорнинг ўзи бўл”, деган экан. Шу ҳикмат Ҳосилбойваччага жуда ёқиб қолган. Ўшанда умри мазмунини чинор бўлмоқлик учун курашдан иборат, деб белгилаган эди. Чинор бўлмоқлик — бировнинг ақли, бировнинг маслаҳати билан битмайди. Бировнинг ақли билан ишлаш — чинорнинг эркин ўсаётган шохларини кесиб туриш демакдир. Ҳосилбойвачча бунга тоқат қилолмайди. У чинор шохларининг эркин ўсмоғини, янада кенгроқ майдонни қамраб олмоғини истайди (Т.Малик. Шайтанат).

Чинор узоқ умр кўрадиган дарахт бўлгани учун унинг айнан шу жиҳати рамзий маънода асар номланишига сабаб бўлганини кўришимиз мумкин. Асқад Мухтор романларидан бирини “Чинор” дея номлайди. Лекин асар чинор дарахти ҳақида эмас, балки чинордай узоқ умр кўрган 93 ёшли Очил бобонинг ҳаёти ҳақида. Бош қаҳрамон ҳар жойга тарқалиб кетган қариндошларидан хабар олиш мақсадида йўлга чиқади. Уларнинг тақдирлари бобо орқали занжирдай боғланиб, битта шажарани — улкан Чинорни юзага келтиради. Инсон ҳаётда яшаши учун мустаҳкам иродали, қатъиятли бўлиши керак. Акс ҳолда “мўрт бир барғ” [11; 52] Акбаралидай дарахтдан эрта узилиб кетиши ҳеч гап эмас (Асқад Мухтор. Чинор).

Чинор лексемаси ўзбек халқи учун рамзий маънода турмуш ўртоғини, оилани билдиради. “Чиройинг борида чинорингни топ” [5; 406] мақоли айрим қизларга насиҳат тарзида айтилади. Яъни, совчи жўнатган йигитларни ҳадеб танлайверса, улардан айб топаверса, вақтини ўтказса, ёш ва чиройли эканлигини бирга яшайдиган турмуш ўртоғингни тезроқ танла. Акс ҳолда ёшинг ўтгандан кейин сен эмас, сени танлашади, танланганга турмушга чиқишга мажбур бўласан деган маънода ишлатадилар.

“Ҳар чинордан бир япроқ” [5; 395] мақоли орқали қуда-андачилик муносабатлари акс этган бўлиб, қайсидир оиладан қиз олганда маълум вақт ўтгандан кейин яна шу оиладан қиз олмоқчи бўлинганда биринчи келин қилинган қиздан оила аъзоларининг кўнгли тўлмаса, битта оиладан олинган битта қиз етади. Энди бошқа оиладан келин қилайлик дея фойдаланилади. Бу ерда чинор ва япроқ лексемалари оила ва унинг фарзандини англатади.

Анор — эзгулик, тўқчилик, тўкин-сочинлик ва етуклик рамзидир. Қадимдан уйларни безашда серҳосил анор дарахтини тасвирлашган. Бу тасвир хонани безаб жуда кўркемлик берган, инсонлар руҳини кўтарган. Наққошлар серҳосил анор дарахти тасвири орқали инсонлар хонадонидида ҳар доим тўқчилик бўлсин, улар ўйлаган ниятларга етишсин деб тилак билдирганлар, яъни, инсонларга яхши ният қилганлар [3; 27]. Айнан шу сабабдан ҳам доно халқимиз: “Яхши ният — ярим давлат”, деб бежиз айтмаган.

Хитойда эса у ҳосилдорлик рамзи саналган. Тавротда келтирилишича, Сулаймон алайҳиссаломнинг анорзори бўлган экан. Исроилликлар чўлларда саргардон бўлиб юришганида, ўзлари Мисрда кўникиб қолган анорни егилари келган. Муҳаммад алайҳиссалом ўз умматларига: “Анор енглар, у юракни ҳасад ва нафратдан фориғ қилади”, деб маслаҳат берган [10]. Анорнинг шифобахш эканлиги ўзбек халқ мақолларида ҳам акс этган: “Бир анор минг дардга даво” [5; 388].

Анор ёки анор дарахтининг меваси жуда бой ва ижобий рамзийлик билан таъминланган, бу унинг шакли, ранги ва ички тузилиши билан боғлиқ. Узоқ вақт давомида

тадқиқотчилар анор меваси кимнинг рамзи эканлигини аниқлаш учун баҳслашди. Натижада улар анор рамзида турли халқлар ва динларнинг ўзига хослиги бор деган хулосага келишди. Унинг рамзий маънолари:

- боқийлик;
- баҳорнинг қайтиши;
- севги, катта оилалар;
- бахтли келажак [11].

Анор ўзбек адабиётида қизиллик, ёрқинлик, жўшқинлик ва ёшлик рамзи бўлиб келади. Буни Ҳамид Олимжоннинг “Озор қизи” шеъридаги қуйидаги мисралар орқали ҳам билиб олиш мумкин:

*У, мунис ёш озор қизлари,
Оқ булут қўйнида чўмилди;
Порлади у анор кўзлари –
Қайғунинг кўзлари юмилди [6; 8].*

Шоир ёш, самимий озор қизларини тасвирлай туриб, уларнинг кўзларига алоҳида урғу беради, улар ёниб тургани учун қора кўзлар тарзида эмас, балки, анор кўзлар тарзида ифодалайди.

“Ўзбекистон” шеърида эса мактаб ўқувчи қизларининг дугоналари билан хурсанд ва шодон ўйнаб кетишидаги ҳолатини тасвирлаш учун “анор юз” бирикмасидан фойдаланади. Яъни, қизларнинг юзларида ёшлик, жўшқинлик худди анордай акс этади:

*Яйраб яшнаб кетади,
Ўйнаб нурли кўзлари.
Мактабига кетади,
Порлаб анор юзлари [6; 16].*

Бодом – бахт ва иқбол рамзидир. У халқимиз ҳаётида ўз ўрнига эга.

У элемент сифатида дўппиларимизда кўп учрайди. У кут-барака ва ҳаёт рамзи сифатида ишлатиб келинган, яъни, шу одамнинг уйдан ҳаёти давомида кут-барака кетмасин, деган маънони англатган [3; 54].

Шунингдек, у кўплаб касалликларга даъволиги ва фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг даракчиси, элчиси экани учун ҳам рамз сифатида кенг ишлатилади.

Бодом, шунингдек, рамзий маънода ўзбек халқ мақолларида ҳам ишлатилади. “Одам одам билан, Писта бодом билан” [5; 460] мақолида одамзод яшар экан бир-бирига керак бўлиши, яхши-ёмон кунларда инсонга фақатгина одам далда бўлиши мумкинлиги, ҳар бир нарса ўзининг тенги билан эканлиги акс этган.

“Олмадан бодом бўлмас, Таги паст одам бўлмас” [5;67] мақолида эса айрим нарсалар ўзгармаслиги, инсон қилган меҳнатига яраша ҳосил олиши, баъзи бир пасткаш инсонларнинг ҳеч ўзгармаслиги, улардан яхши одам бўлишини кутиш бефойда эканлиги рамзий маънода акс этган.

Бойчечак – шукроналик, баҳорга етиб келганлик, ёшлик, навқиронлик, жўшқинлик рамзи. Унинг ушбу рамзий маъноларининг ҳаммаси “Бойчечак” қўшиғида ўзининг ифодасини топган. Мазкур қўшиқ баҳорда айтилган. Бойчечак гулининг қўшиққа солиб айтилиши тасодифий эмас. Чунки бу гул – баҳор даракчиси. Қишлоқ болалари ушбу гулни кўтариб уйма-уй қўшиқ билан суюнчи сўраб боришган, хонадон соҳиблари болаларга ҳадялар улашган. Бойчечакни кўрган кексалар уни кўзларига суртишган. Негаки бойчечак баҳорга эсон-омон етиб келганлик, шукроналик белгиси сифатида қабул қилинган [1;28].

*Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди.
Айронингдан бермасанг,
Қозонларинг вайрондир.*

*Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак [1;25] .*

Ушбу кўшиқда бойчечакни тутиб, тут ёғочга осиб, қилич билан чопиб, бахмал билан ёпадилар, лекин барибир у яшашда давом этади. У рамзий маънога эга бўлиб, меҳнаткаш, ҳар қандай шароитда ҳам бориға чидаб яшайдиган, қийинчиликлардан кўркмайдиган, аксинча улар орқали товланиб борадиган меҳнаткаш инсонларни акс эттиради.

Лола – соф севги, буюк бахт тимсоли; шон-шараф, мағрурлик, Голландия тимсоли; сариқ лолалар – “Сизнинг табассумингиз куёш нури каби”; қизил лолалар – “Менга ишонинг”; рангли лолалар – чиройли кўзлар; бинафшаранг лолалар – кадр-қиммат, камтарлик, айбсизлик, яширин севги рамзидир.

Лола ўзбек халқи учун баҳор белгиси ҳисобланади. Халқимизнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуф ўзининг “Соғиндим” шеърида чиройли ва ёш қизларнинг ёноқларини “лола ёноқ” бирикмаси орқали ифодалайди:

*Яшириб не қилдим сизлардан,
Лола ёноқ, ҳилол юзлардан,
Тўйдим тиллобармоқ қизлардан,
Қўли қадоқларни соғиндим [9;67] .*

Шоир анча вақт пойтахти азимда яшагандан сўнг ўзининг болалиги ўтган, ёшликдан катта бўлган қишлоғини, унинг оддий, самимий ва содда одамларини соғинганини ифодалаш учун ўзига қараб юрадиган, ташқи кўринишига алоҳида эътибор берадиган шаҳарлик қизларни лола ёноқ, ҳилол юз бирикмалари орқали акс эттиради.

Лола ўзбек халқи жуда яхши кўрадиган, ҳаммада бирдай илиқлик уйғотадиган гуллардан бири ҳисобланади. Лола деганда, кўпчиликнинг кўз ўнгида чиройли, ранг-баранг, нафис гул келади ва барчанинг кайфияти кўтарилади. Айнан шунинг учун ҳам ўзбеклар фарзандининг элга суюмли инсон бўлишини, у ҳақида ўйлашганда фақат ижобий фикрлар келишини хоҳлаб, буни ушбу мақолда акс эттиришган: “Одам боласи – элнинг лоласи” [5;234]. Яъни, яхши одамнинг фарзанди худди лоладай ҳаммага севимли бўлиши керак.

Лола тоғда ўсадиган гул эканлиги ҳаммага маълум. У тоққа ўзгача ҳусн ва кўрк беради. Унинг шу жиҳати: “Тоғнинг кўрки – лола билан, Одам кўрки – бола билан” [5;179], мақолида ўз аксини топган. Мазкур мақолда лола ва бола сўзлари фақат оҳангдош бўлгани учун танланмаган. Бу орқали ўзбек халқининг болажон эканлигига, агар инсоннинг ўзидан кейин қоладиган давомчиси бўлмаса, бу унинг учун жуда оғир юк эканлигига ишора ҳам бор.

Ўзбек халқ мақолларида ҳам лола рамзий маънода ишлатилганини кўриш мумкин. “Тунсиз кун йўқ, тоғсиз – лола” [5; 413] мақолида ҳаётда ҳар қандай қийинчилик, азоб-уқубат, дард бўлмасин у бир кун келиб ўтиб кетиши, фақат бунга сабр қилиб, бу кунларга чидаш кераклиги ҳар қайғу ортида бир шодлик, хурсандчилик борлиги, лола тоғли жойларда бўлиши, кун тун билан алмашиши ифодаланган.

“Дўстга лола бўл, Душманга жала бўл” [5; 99] мақолида эса лола сўзи дўст маъносини билдириб келмоқда. Яъни, сенга ишонган, қандай вазият бўлишидан қатъи назар, ёнингда турадиган, қўллаб-қувватлайдиган, ўзидан кўра кўпроқ ишонадиган дўстларга

лоладай дўст бўлиш кераклиги, уларни хурсанд қилиш зарурлиги, душманга эса худди жаладай муносабатда бўлиш, унга сирларни билишига йўл қўймаслик рамзий маънода ифодаланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон ҳаётни оламни қиёслаш орқали тушунишини ҳисобга оладиган бўлсак, қиёс эталони вазифасини бизни ўраб турган олам унсурлари бажариши, шубҳасиз. Айнан шунинг учун ҳам японларда медуза, ўзбекларда гул гўзаллик ва дилбарлик рамзидир.

Ўзбек тилида ўсимлик номларининг рамзий маъно англатиши ўзига хос бўлиб, бунда асосан, ижобий маънолар мужассам. Ўсимликлар аёлларга хос бўлган белги-хусусиятлар учун рамз бўлиб келар экан, уларда гўзаллик, латофат каби маънолар, эркакларга нисбатан қўлланганда эса бақувватлилик тушунчалари, мавҳум тушунчаларга нисбатан қўлланганда эса тинчлик, бахт, севги, хотиржамлик, гўзаллик тушунчалари акс этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot (6-sinf uchun darslik, 2-qism). – Toshkent: Ma'naviyat, 2017. – 157 b.
2. Жаббор, Эшонкул. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – 172 б.
3. Жумаев Ш. Ўқувчиларнинг рамзийликка оид билимларини ривожлантириш. – Самарқанд: Самарқанд, 2015. – 158 б.
4. Малик, Тоҳир. Шайтанат. – Тошкент: Ўқитувчи, 2019. – 210 б.
5. Mirzayev T., Musoqulov A., Sarimsoqov B. O'zbek xalq maqollari. – Toshkent: Sharq, 2005. – 512 b.
6. Олимжон, Ҳамид. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2019. – 384 б.
7. Sultonmurodov O., Ahmedov S., Qo'chqorov S. Adabiyot (8-sinf uchun darslik). – Toshkent: G'afur G'ulom, 2019. – 351 b.
8. To'xtaboyev X. Mungli ko'zlar. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2020. – 308 b.
9. Юсуф, Мухаммад. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 288 б.
10. haqida.su
11. peskiadmin.ru.

